

**«АСАКА» БАНК (ОАЖ)  
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ВА ВАЛЮТА АМАЛИЁТЛАРИ  
ДЕПАРТАМЕНТИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

Ушбу Низом “Асака” банк (ОАЖ)нинг Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта амалиётлари департаментининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1.1. Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта амалиётлари департаменти (матн бўйича кейинги ўринларда - Департамент) «Асака» давлат акциядорлик тижорат банки (очиқ акциядорлик жамияти) (матн бўйича кейинги ўринларда - Банк)нинг мустақил таркибий тузилмаси ҳисобланади ва бевосита Бошқарув Раисининг мутасадди ўринбосарига бўйсунди.

1.2. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Фармойишларига шунингдек, “Валютани тартибга солиш тўғрисидаги” 841-сонли Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг меъёрий ҳужжатларига, Банк ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

1.3. Департамент ўз фаолиятини Банк раҳбариятининг топшириқлари ва Банк раҳбарияти томонидан тасдиқланган иш режасига мувофиқ олиб боради.

1.4. Департаментга Департамент бошлиғи раҳбарлик қилади ҳамда Бошқарув Раисининг мутасадди ўринбосари тавсияси асосида Бошқарув Раиси буйруғи билан тайинланади. Департамент бошлиғи ишда бўлмаган вақтида унинг вазифаси вақтинча Департамент бошлиғи ўринбосари бажаради.

**II. Департамент тузилмаси**

2.1. Департаментнинг ташкилий-функционал тузилмаси, ходимлари сони ва штат жадвали Департамент бошлиғининг билдиришномаси асосида Банк Бошқаруви Раисининг мутасадди ўринбосари билан келишилган ҳолда Бошқаруви Раисининг буйруғи билан тасдиқланади.

2.2. Департамент бажарадиган вазифаларига кўра, қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:

- Грантлар ва мурувват ёрдамани мониторинг қилиш бўлими;
- Халқаро ҳамкорлик ва вакиллик муносабатлари бўлими;
- Конверсион амалиётлар бўлими;
- Экспорт-импорт амалиётлари бўлими;
- Пул ўтказмалари бўлими;
- Экспорт-импорт ва конверсия амалиётларини назорат қилиш шўбаси.

### III. Департаментнинг асосий мақсад ва функциялари

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотлар ва экспорт салоҳиятининг устуворлигини таъминлашда кўмаклашиш департаментнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Департаментнинг асосий функциялари эса қуйидагилардан иборат:

3.1. Савдо-иқтисодий ва инвестиция ҳамкорлигини фаоллаштириш мақсадида ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантириш;

3.2. Валютани тартибга солиш, шунингдек грантлар ва мурувват ёрдами бўйича хизмат кўрсатиш ҳамда мониторинг қилишга оид меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

3.3. Ички валюта бозорини ўрганиб бориш ва янги молия воситаларини жорий этиш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

3.4. Банк фаолиятида вакиллик муносабатларининг самарадорлигини ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда фойдаланиш мақсадида Банкнинг хорижий банклар ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболларини белгилаш ва стратегиясини ишлаб чиқиш юзасидан таклифларни тайёрлаш;

3.5. Хорижий банклар ва халқаро молия институтларининг тажрибасини улар билан ҳамкорлик қилишнинг оқилона шакллари топиш мақсадида ўрганиб бориш;

3.6. Банкнинг хорижий банклар ва халқаро молия институтлари билан, шу жумладан экспорт-кредит ва рейтинг агентликлари билан муносабатларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

3.7. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги меъёрларига ҳамда йўриқнома-меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ халқаро ва хорижий ҳукумат идоралари ва/ёки уларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган ваколатхоналари, шунингдек норезидент шахслар томонидан пул маблағлари шаклида ажратилган хорижий грант маблағларини Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларига туширишга оид ҳужжатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш;

3.8. Банкнинг грантлар ва мурувват ёрдами бўйича хизмат кўрсатишдаги мавқеини ривожлантириш ва аҳамиятини оширишга доир дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

3.9. Халқаро ва хорижий ҳукумат идоралари ва/ёки уларнинг ваколатхоналари ажратган ва келиб тушган грант ва мурувват ёрдамани Банк тизими бўйича мониторинг қилиш;